



ТОШКЕНТ ХАЛҚАРО ИНВЕСТИЦИЯ ФОРУМИ ЯНГИ БИЗНЕС ИМКОНИЯТЛАРИНИ КАШФ ЭТАДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти
Шавкат Мирзиёев 27 апрель куни
иккинчи Тошкент халқаро инвестиция
форумининг ялпи мажлисида иштирок этди.**

Ўтган йили илк бор ўтказилган форум ишбилармон доиралар томонидан юқори баҳоланган эди ва у яхши анъанага айланиб бормоқда. Бу йилги анжуманда Қирғиз Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Раиси – Президент Администрацияси раҳбари Ақилбек Жапаров, Ислон тараққиёт банки президенти Муҳаммад бин Сулаймон ал-Жассир, БМТ Бош котиби ўринбосари Олга Алгаерова, Бирлашган Араб Амириклар энергетика ва инфратузилма вазири Сухайл ал-Мазруий, Венгриянинг иқтисодий тараққиёт вазири Мартон Надь, “ACWA Power” компанияси бошқаруви раиси Муҳаммад Абдулла Абунайян қатнашмоқда. Умуман, форумда 70 мамлакатдан 2 минг 500 га яқин бизнес ва молия соҳаси вакиллари иштирок этмоқда.

Давлатимиз раҳбари сўзининг аввалида барча иштирокчиларни қўлаб, бу форум икки ва кўп томонлама ҳамкорликни мустаҳкамлашга, янги бизнес имкониятларини кашф этишга хизмат қилишини таъкидлади. Мамлакатимиз

да иқтисодиётни янада эркинлаштириш, бизнесга кенг йўл очиш, бу борада қонун устуворлиги ва ҳуқуқий кафолатларни мустаҳкамлаш бўйича қилинаётган ишлар қайд этилди.

Жумладан, қўлай фискал тизим яратилди. Қўшилган қиймат солиғи ставкаси 12 фоизга туширилди. Хорижий инвесторлар акцияларидан оладиган дивидендлар уч йил муддатга фойда солигидан озод қилинди. Мухими – солиқ ва божхона қонунларига янги ёки оғирлаштирувчи жавобгарлик чоралари киритилмаслиги қатъий белгилаб қўйилди.

Ташқи савдо эркинлаштирилмоқда. Хусусан, инвесторлар учун зарур бўлган 7 мингдан зиёд хомашё ва товарларга божхона божлари бекор қилинди. Божхона ҳудудида қайта ишлашнинг соддалашган тартиби жорий этилди. Янги-янги бозорларга кириш мақсадида Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилотига қўшилиш жараёни жадаллаштирилмоқда.

► 2-бет

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ИНВЕСТИЦИЯЛАР УЧУН ЯНАДА ҚЎЛАЙ МАМЛАКАТГА АЙЛанади

**Ўзбекистон Республикаси Президенти
Шавкат Мирзиёевнинг
иккинчи Тошкент халқаро инвестиция
форумининг очилиш маросимидаги нутқи**

Ҳурматли форум иштирокчилари! Азиз меҳмонлар, хонимлар ва жаноблар!

Сизлар билан иккинчи Тошкент халқаро инвестиция форумида учрашиб турганимдан бағоят хурсандман.

Албатта, Ўзбекистоннинг яқин дўстлари ва ишончли ҳамкорлари бўлган хорижий ҳукуматлар ва халқаро молия институтлари вакиллари ҳамда нуфузли компаниялар раҳбарлари билан ушбу форум доирасидаги учрашуваримиз барчамиз учун яхши анъанага айланиб бормоқда.

Сизларнинг меҳмондўст диёримизга таширфингизни юртимизга ҳурмат ва ислохотларимизга ишонч ифодаси сифатида қабул қиламиз.

Ўзбекистонга хуш келибсиз!

Ҳурматли форум иштирокчилари!

Хозирги вақтда халқаро майдонда давом этаётган мураккаб ва таҳликали жараёнлар, башорат қилиб бўлмайдиган ўзгаришлар дунё иқтисодиётини жиддий синовдан ўтказаяётгани ҳеч кимга сир эмас.

Ишончим комилки, бундай зиддиятлар шариоитда бугунги учрашувимиз икки томонлама ва кўп томонлама ҳамкорликни мустаҳкамлашга, барчамиз учун янги бизнес имкониятларини кашф этишга хизмат қилади.

Азиз дўстлар!

Ўтган йили бўлиб ўтган биринчи Халқаро инвестиция форумида янги ҳамкорлик йўналишлари муҳокама қилиниб, кўплаб қилишларга эришилди.

Бир йил ичида мамлакатимиз иқтисодиётини янада эркинлаштириш, бизнесга кенг йўл очиш, бу борада қонун устуворлиги ва ҳуқуқий кафолатларни мустаҳкамлаш бўйича тизимли ислохотларни жадал давом эттирдик. Жумладан, минтақамиздаги энг қўлай фискал тизимни яратиш бўйича катта ўзгаришларга эришдик. Хусусан, қўшилган қий-

мат солиғи ставкаси 12 фоизга туширилди. Хабарингиз бор, илгари ушбу солиқ ставкаси 20 фоиз эди. Шунингдек, қўшилган қиймат солиғини экспортчи корхоналарга 7 кун ичида қайтариш жорий қилингани, солиқ ва божхонада ўзаро ҳисобга олиш йўлга қўйилгани тадбиркорларга жуда маъқул бўляпти. Шу пайтгача инвесторлар 2 та алоҳида тизим орасида сарсон эди.

Бундан ташқари, хорижий инвесторларнинг ўз акцияларидан оладиган дивидендлари уч йил муддатга солиқдан озод қилинди, улар учун фойда солиғи 20 фоиздан 12 фоизга туширилди. Мухими – солиқ ва божхона қонунларига янги ёки оғирлаштирувчи жавобгарлик чоралари киритилмаслиги қатъий белгилаб қўйилди.

Ташқи савдони эркинлаштириш бўйича навбатдаги муҳим қадамлар қўйилди. Жумладан, инвесторлар учун зарур бўлган 7 мингдан зиёд хомашё ва товарларга божхона божлари бекор қилинди. Божхона ҳудудида қайта ишлашнинг соддалаштирилган тартиби жорий этилди.

Ташқи савдо ва рақобат муҳитини янги босқичга олиб чиқиш, янги-янги бозорларга кириш мақсадида биз Жаҳон савдо ташкилотига қўшилиш борасидаги ишларимизни жадаллаштирдик.

Алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман, Жаҳон савдо ташкилоти талаблари ислохотларимиз мазмунига тўла мос ва биз ушбу нуфузли ташкилотга тезроқ аъзо бўлиб киришдан манфаатдормиз.

Хозирги вақтда аъзо мамлакатлар билан музокара олиб бориш ҳамда миллий қонунчилиқни Жаҳон савдо ташкилоти қоидалари билан уйғунлаштириш қизгин босқичда. Йил якунига қадар сезиларли натижаларга эришиш бўйича аниқ режаларни олганмиз.

► 2-бет

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ХОРИЖИЙ ДЕЛЕГАЦИЯЛАР РАЎБАРЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 27 апрель куни иккинчи Тошкент халқаро инвестиция форуми доирасида Ислон тараққиёт банки президенти Муҳаммад бин Сулаймон ал-Жассир, Қирғиз Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Раиси – Президент Администрацияси раҳбари Ақилбек Жапаров, Бирлашган Араб Амириклар энергетика ва инфратузилма вазири Сухайл ал-Мазруий, Венгрия иқтисодий тараққиёт вазири Мартон Надь, Саудиянинг “ACWA Power” компанияси бошқаруви раиси Муҳаммад Абдулла Абунайян ва БМТ Бош котибининг ўринбосари, Европа иқтисодий комиссияси (ЕИК) Ижрочи котиби Олга Алгаерова билан учрашувлар ўтказди.

Ислон тараққиёт банки президенти Муҳаммад бин Сулаймон ал-Жассир билан учрашувда янги ўрта муддатли шериқлик дастури доирасида Банк гуруҳи билан кенг қўламли ҳамкорликни янада кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Бугунги кунда қўшма лойиҳалар портфели иқтисодиётнинг устувор тармоқларини қамраб олган ҳолда 1,3 миллиард доллардан ошгани мамнуният билан қайд этилди. Форум доирасида қишлоқ ва транспорт инфратузилмасини модернизация қилиш, мактабгача таълимни ривожлантириш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш юзасидан умумий қиймати 400 миллион долларлик битимлар имзоланди.

Учрашувда амалий ҳамкорликни ривожлантириш, тадбиркорлик ва хусусий инвестицияларни қўллаб-қувватлаш, молиявий воситаларни тақомиллаштириш, Банк тузилмаларини лойиҳа ишларига фаол жалб қилиш борасида аниқ лойиҳаларни илгари суриш, шунингдек, мамлакатимизнинг ЖСТга қўшилиши ва инновацион экотизимни яратиш масалаларида техник кўмакни кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Қирғиз Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Раиси – Президент Администрацияси раҳбари Ақилбек Жапаров билан учрашувда Ўзбекистон – Қирғизистон кўп қиррали ҳамкорлигига оид амалий жиҳатлар муҳокама қилинди.

Икки томонлама муносабатларнинг бугунги юксак даражаси мамнуният билан қайд этилди. Жадал мулоқотлар давом эттирилмоқда, муҳим иқтисодий

лоийҳалар ва гуманитар дастурлар амалга оширилмоқда.

Яқинда Ўш шаҳрида Захириддин Муҳаммад Бобур номидаги театрнинг янгиланган биноси тантанали очилди, Қўқон шаҳрида эса спортчиларнинг спартакиадаси муваффақиятли ўтказилди. Худудлар форуми ва Авлодлар учрашувини ўтказишга пухта тайёргарлик қўрилмоқда.

Давлатимиз раҳбари автомобилсозлик, энергетика, транспорт инфратузилмаси, пойтахтларда савдо уйлари очиш бўйича кооперация лойиҳаларини тезлаштириш зарурлигини таъкидлади.

Бирлашган Араб Амириклар энергетика ва инфратузилма вазири Сухайл ал-Мазруий билан учрашувда Ўзбекистон – БАА кўп қиррали ҳамкорлиги доирасидаги лойиҳаларни илгари суриш масалалари қўриб чиқилди.

Музокаралар аввалида вазир ал-Мазруий давлатимиз раҳбарига Президент Шайх Муҳаммад Ол Наҳаён ва Вице-президент, Бош вазир, Дубай Амири Шайх Муҳаммад Ол Мактумнинг салонини етказди.

Икки томонлама муносабатлар ривожининг бугунги юқори суръати катта мамнуният билан қайд этилди.

Кейинги бир неча йилда товар айирбошлаш икки баробар ошди, 50 та янги корхона ташкил этилди, инвестиция лойиҳалари портфели 3 миллиард доллардан ортиди. Қўшма инвестиция компанияси муваффақиятли фаолият юритмоқда.

Булажақ олий даражадаги учрашувларга тайёргарлик қилиш ва уларни аниқ мазмун билан бойитиш мақсадида

Ўзбекистон етакчиси “яшил иқтисодиёт”, энергетика, транспорт ва логистика, қишлоқ хўжалиги, инфратузилма ва бошқа устувор йўналишларда истиқболли лойиҳаларни илгари суриш муҳимлигини таъкидлади.

Венгрия иқтисодий тараққиёт вазири Мартон Надь билан учрашувда мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантиришнинг биринчи галдаги чора-тадбирлари муҳокама қилинди.

Тадбиркорлар ва худудлар даражасидаги кооперацияни тубдан кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Яқин ойларида тўғридан-тўғри авиакатновларни йўлга қўйиш, чуқурлашган саноат кооперацияси учун мўлжалланган тузилма шартларини тез фурсатда қилиш ва фаолиятини бошлаш муҳим экани таъкидланди.

Қишлоқ хўжалиги, фармацевтика, транспорт ва коммуникациялар, самарали молиявий воситаларни яратиш борасидаги лойиҳаларни тайёрлаш ва амалга ошириш ишларини тезлаштиришга қилиш бўлиди.

Саудиянинг “ACWA Power” компанияси бошқаруви раиси Муҳаммад Абдулла Абунайян билан учрашувда жорий лойиҳаларни амалга ошириш масалалари ва шерикликни тубдан кенгайтириш имкониятлари қўриб чиқилди.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистоннинг “яшил энергетика” тармоғи ривожига энг кўп сармоа киритаётган ушбу компания билан ҳамкорлик сермахсул бўлаётгани мамнуният билан қайд этди.

Бугунги кунда муқобил энергетика соҳасида 7,5 миллиард долларлик лойиҳалар амалга оширилмоқда. Бундан ташқари, қуёш ва шамол электр станцияларини қуриш, “яшил водород” ишлаб чиқариш бўйича янги лойиҳалар фаол тайёрланмоқда.

Суҳбат чоғида кооперацияни янада чуқурлаштириш, биринчи навбатда инновацион лойиҳаларни, жумладан, Ўзбекистон – Саудия Ишбилармонлар кенгаши доирасида илгари суриш истиқболлари муҳокама қилинди.

БМТ Бош котибининг ўринбосари, Европа иқтисодий комиссияси (ЕИК) Ижрочи котиби Олга Алгаерова билан учрашувда Барқарор ривожланиш мақсадларига тезкор эришиш борасида БМТ институтлари, шу жумладан, ЕИК билан кўп қиррали ҳамкорликни ривожлантириш масалалари қўриб чиқилди.

Марказий Осиё минтақаси мамлакатлари учун махсус дастур доирасида самарали ҳамкорлик қилинаётгани мамнуният билан қайд этилди. Томонлар Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиши ҳамда “Яшил макон” дастурини, юк ташишларни рақамлаштириш ва тўқимачилик саноати лойиҳаларини амалга ошириш масалаларида алмашинувларни давом эттиришдан манфаатдор эканини таъкидлади.

Суҳбатда БМТ ЕИК билан устувор йўналишларда ҳамкорликни янада кенгайтириш масалалари ҳам муҳокама қилинди.

Ў.А.

ҚУРИЛИШ ВА УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИДА

Франция делегацияси билан мулоқот

Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири ўринбосари Давронжон Адиллов бошчилигидаги бир қатор мутасаддилар француз ишбилармонлар ҳаракати делегациясини қабул қилишди. Учрашувда Франциянинг нуфузли корхоналари билан давлат хусусий шерикчилик асосида архитектура ва қурилиш соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш, шаҳарсозлик, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ҳамда савдо-иқтисодий ҳамкорлик масалалари муҳокама қилинди.



Шунингдек, соҳада энергосамарадорлиқни ошириш, ижтимоий инфратузилмани яхшилаш, аҳолини табиий ресурслар билан таъминлашда замонавий технологиялардан фойдаланиш бўйича томонларнинг инвестициявий тақдирлари ва истиқболли лойиҳалари қўриб чиқилди. Конструктив мулоқотлар сўнггида

ўзаро ҳамкорликдаги лойиҳалар соҳани ривожлантиришдаги муҳим қарор бўлиши алоҳида таъкидланди.

Маълумот ўрнида, Франция бизнесини дунё миқёсига олиб чиқиш, уни ривожлантиришга қаратилган “MEDEF international” тадбиркорлик ҳаракати 1989 йилда ташкил этилган бўлиб, бугунги

кунда 800 000 дан ортиқ турли хажм ва соҳадаги бизнес субъектларини ўзида жамлаган. Ҳаракат Франция тадбиркорлик фаолиятини халқаро даражада танитиш, мамлакатлараро савдо ва ҳамкорлик лойиҳаларини йўлга қўйишни назарда tutади.

► 2-бет

ТОШКЕНТ ХАЛҚАРО ИНВЕСТИЦИЯ ФОРУМИ ЯНГИ БИЗНЕС ИМКОНИЯТЛАРИНИ КАШФ ЭТАДИ

1-бет

Ижро ҳокимияти тизими ислоҳ қилиниб, бюрократия камайтирилди. Давлатнинг бизнесни тартибга солишга қаратилган 500 та функцияси бекор қилинди, 70 таси хусусий секторга давлат-хусусий шериклик ва аутсорсинг асосида ўтказилди.

Хозирги кунга қадар 132 та лицензия ва рұхсат беришга оид ҳужжатлар бекор қилинди, 33 таси бўйича хабардор қилиш тартиби киритилди.

Энг муҳими – ушбу ислохот доирасида инвесторлар билан ишлашнинг ахлит тизими жорий қилинди. Инвестиция, саноат ва савдо вазирлигида лойиҳа ташаббусидан бошлаб, то уни ишга туширишгача бўлган барча жараёнларда инвесторларга “ягона дарча” орқали кўмаклашиш йўлга қўйилди.

Инвесторлар масалаларини тезкор ҳал этиш, уларнинг давлат раҳбари билан бевосита мулоқотини йўлга қўйиш мақсадида Президент ҳузурида Хорижий инвесторлар кенгаши иш бошлади.

Ишбилармонлар ҳуқуқларининг ҳимояси кучайтирилди. Чет эллик инвесторлар учун кўчмас мулк сотиб олиш, Ўзбекистонга келиб-кейтиш ва яшаш шартлари кескин соддалаштирилди.

Инвесторлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида маъмурий судларга қатта ваколатлар берилди. Бундан буён, тадбиркор ва инвесторлар судда ўз талабининг тўғрилигини исботлаши шарт эмас. Энди, давлат идораси ўз қарорининг қонунийлигини исботлаб беришга мажбур бўлади. Юзага келган ҳар қандай ноаниқликлар эса инвесторлар фойдасига ҳал қилинади. Бу йил юртимизда илк бор Халқаро тижорат суди фаолияти йўлга қўйилади.

Бундай иқтисодий имкониятлар ва кафолатлар ўз натижасини бермоқда. Бир йилнинг ўзида мамлакатимизда 100 мингга яқин янги корхоналар ташкил қилинган. Киритилган хорижий сармоялар ҳажми 10 миллиард долларга етди ёки 2017 йилга нисбатан 3 баробарга ошган.

Президент бу ишлар жадал давом эттирилишини таъкидлади. Яқин кунларда умумхалқ референдумига қўйилаётган янги Конституцияда бунинг ҳуқуқий асослари белгиланмоқда. Жумладан, давлат қўлай инвестиция ва ишбилармонлик муҳитини таъминлаш, мулк дахлсизлиги, бозор муносабатларини ривожлантириш ва ҳалол рақобат учун шарт-шароитлар яратиш бўйича ўзига мажбуриятлар олмоқда.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида Ўзбекистон билан ҳамкорликни кенгайтириш борасидаги янги имкониятларга тўхталиб ўтди.

Биринчиси, “яшил иқтисодиёт”. Мамлакатимизда жаҳоннинг энг нуфузли компаниялари қуёш ва шамол электр станциялари лойиҳаларини амалга оширмоқда. Шу йилнинг ўзида 2 минг мегаваттдан зиёд, кейинги йилда эса, 8 минг мегаваттлик қувватлар ишга тушади.

“Яшил иқтисодиёт” саноатининг янги йўналишларига ҳам туртки бермоқда. Бу – инвесторлар учун 8 миллиард долларлик имконият дегани.

Иккинчи йўналиш, давлат-хусусий шериклик. Ислохотлар натижасида, олдинлари “ёпик” бўлган тармоқларга хусусий инвестициялар фаол кириб келмоқда. Масалан, аввал 100 фоиз давлат тармоғи ҳисобланган авиация соҳасида хусусий секторга кенг йўл очилди. Шу билан бирга, тез ўсиб келаётган ахборот технологиялари, туризм, таълим, тиббиёт

каби соҳаларда Ўзбекистон минтақавий хабга айланиб бормоқда.

Умуман, бу йил давлат-хусусий шериклики жорий қилиш бўйича 14 миллиард долларлик алоҳида дастурлар ишлаб чиқилган. Улар давлат учун муҳим бўлган транспорт, коммунал ва сув хўжалиги, соғлиқни сақлаш каби тармоқларни қамраб олган.

Учинчи йўналиш, давлат мулкни хусусийлаштириш. Жорий йилда бу бўйича “1 минг + 1 минг + 40” дастури қабул қилинди. Яъни, мингта корхонадаги давлат улушлари ҳамда яна мингта давлат тегишли кўчмас мулк объектлари очик аукцион савдоларига чиқарилади, 40 та стратегик корхона “IPO”га олиб чиқилади.

Тўртинчи йўналиш, индустриал ривожланиш. Бугунги кунда Ўзбекистон тўқимачилик, чарм-пойабзал, қурилиш материаллари, электр техникаси, машинасозлик тармоқларида етарли хомашё ва малакали кадрларга эга. Бу соҳаларда ишлаб чиқариш ва экспортни 2 баробар ошириш учун етарли имкониятлар бор. Бунинг учун йирик брендлар билан ҳамкорлик, ташки бозорларга чиқиш, инновация ва замонавий технологиялар керак.

Бешинчи йўналиш, қўшни давлатлар билан ҳамкорлик. Ҳозирда қўшма инвестиция фондлари ташкил қилиниб, саноат, энергетика, транспорт ва сув хўжалиги соҳаларида йирик минтақавий лойиҳалар амалга оширилмоқда. Мамлакатларимиз иқтисодиёти бир-бирини тўлдирishiини инobatта олиб, саноат ва агро кооперацияларини давом эттириш зарур.

Президентимиз Ўзбекистон инвесторлар учун ҳуқуқий кафолат, алоҳида технопарк ва саноат зоналари, қў-

шимча имтиёзлар беришга тайёрлигини билдирди.

– Мулоқотлар орқали Янги Ўзбекистондаги бизнес учун бекиёс имкониятларни кашф қиласизлар. Сизлар ўзингиз истаган тинчлик ва барқарорлик, қўлай инвестиция муҳити ҳамда зарур кафолатларни айнан бизнинг юртимизда топасиз. Янги Ўзбекистон Сизнинг бизнес фаолиятингизда алоҳида ёрқин из қолдирадиган макон бўлиб хизмат қилади, деб ишонаман, – дея таъкидлади Шавкат Мирзиёев.

Сессия давомида халқаро молия ташкилотлари раҳбарлари сўзга чиқиб, Ўзбекистонга инвестиция қилишти истикболлари юзасидан ўз фикр-муоазаларини билдирдилар.

Форумнинг шўъба мажлисларида жаҳон иқтисодиётининг рецессия эҳтимоллари, замонавий монетар сиёсат, савдони молиялаштириш, инфратузилмани ривожлантириш, иқтисодиётни рақамлаштириш, транспорт ва муқобил энергетикага инвестиция қилишти мавзулари муҳокама қилинади. Шунингдек, халқаро молия марказлар ташкил этиш тажрибасини татбиқ этиш, давлат корхоналарини трансформация қилиш, қишлоқ хўжалиги, соғлиқни сақлаш, таълим, туризм соҳаларини ҳамда электрон тижоратни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилади.

Форум доирасида хорижлик шерикларга Ўзбекистон ҳудудларининг инвестиция салоҳияти ва 160 дан ортиқ йирик лойиҳалар тақдимот қилинади. Инвестиция ва савдо битимларини имзолаш маросимлари бўлади.

Тошкент халқаро инвестиция форуми 28 апрель куни аяқуланади.

Ў.А.

ҚУРИЛИШ ВА УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИДА

1-бет

Тошкент вилояти ҳудудлари ўрганилмоқда

Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирининг биринчи ўринбосари Шерзод Ҳидояттов ҳамда Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат инспекцияси вакилларидаан иборат ишчи гуруҳи Тошкент вилоятининг барча ҳудудларидаги муаммоларни аниқлаш ва бартараф этиш мақсадида ўрганиш ишларини олиб бормоқда.



Мутахассислар гуруҳи Бўстонлик туманида бўлиб, кўп қаватли уйлар ҳолати, соҳага доир муаммоларни ўрганишди. Жараёнга вилоят ҳудудий инспекцияси ва бошқа масъул идоралар вакиллари ҳам жалб қилиниб, махсус ишчи гуруҳ шакллантирилди. Хусусан, мутасаддилар томонидан Бўстонлик туманининг Ғазалкент шаҳарчаси ҳамда Товоқсой кўрғонидagi мавжуд кўп қаватли уйлар ҳолати ўрганилиб, аниқланган камчиликларни

бартараф этиш юзасидан дастур ишлаб чиқариладиган бўлди.

Туманда жами 205 та кўп қаватли уй мавжуд. Таъкидлаш лозимки, уй-жой соҳасида муаммолар етарлича. Хусусан, Бўстонлик туманида фақатгина 2 та бошқарув ташкилоти фаолият юритиб келади. Аксарият уйлар бошқарувага эга эмас, яъни, кўп йиллар давомида қаровсиз қолиб кетган.

Шунингдек, мутахассислар гуруҳи тумандаги “Титан максима” БСК фаолиятини

ҳам ўрганилди. Компания иш қамровини кенгайтириш, аҳолига хизмат кўрсатиш сифатини оширишда вазирлик томонидан амалий ёрдам бериладиган ва мазкур ишлар учун вилоятга вазирликдан бир неча масъуллар бириктириладиган бўлди. Вазирлик мутасаддилари аҳоли билан ўзгарилашиб, уларнинг соҳага оид мурожаат ва тақлифларини қабул қилдилар. Муаммолар тизимли равишда ўрганилиши ва бартараф этилиши таъкидланди.



Ўрганиш ишлари Чирчиқ шаҳрида давом эттирилиб, мутасаддилар шаҳардаги БСК вакиллари билан учрашув ўтказишди. Очик мулоқот тартибиде ташкил этилган учрашувда бошқарув ташкилотлари фаолиятда учраётган муаммолари ҳолатлар ва унинг ечимлари муҳокама қилинди. Шунингдек, соҳани такомиллаштириш, аҳолига хизмат кўрсатиш сифатини ошириш бўйича ишчиларнинг тақлифлари қабул қилинди. Учрашувда аҳолининг коммунал хизматларга бўл-

ган талаби ортиб бораётгани, шу ўринда бошқарув ташкилотлари масъулиятини янада ошириши таъкидланди. Инсонларга қўлай шароит яратиш орқали бугун бошқарув ташкилотлари яхши даромадга эга бўляпти. Шу боис, қўшимча сервис хизматлари ҳамда тадбиркорлик субъектларини кўпайтириш масалаларига эътибор қаратилиши лозимлиги таъкидланди. Самимий ва очик рўхда ўтказилган учрашувда бошқарув ташкилотлари вакиллари хизмат кўрсатиш соҳасини

янги босқичга олиб чиқиш бўйича зарур тавсиялар, шунингдек, уларга берилаётган солиқ имтиёзлари, қонунийликда кўзда тутилаётган ўзгаришлар бўйича маълумот берилди. Йиғилиш қатнашчилари ўзларининг барча саволларига жавоб олдлар. Маълумот учун, Чирчиқ шаҳрида 916 та кўп қаватли уйларда 37 798 та охонадон мавжуд бўлиб, мазкур уйларга 12 та БСК ҳамда 2 та уй-жой мулкдорлари ширкати томонидан хизмат кўрсатиб келинмоқда.



Шунингдек, ишчи гуруҳи вакиллари Зангиота туманида ҳам бўлишди. Бу ерда ҳам кўп қаватли уйларнинг техник ҳолати, кириш йўлаклари ва ертўла қисмлари кўриб чиқилди. Ўрганиш давомида “Саодат ривожланиш” бошқарув ташкилоти фаолияти танқидий кўриб чиқилди. Жумладан, компаниянинг диспетчерлик хизмати ишланмайди, фаолияти эса аҳоли

томонидан қоникарсиз баҳоланиб келинмоқда. Вазир ўринбосари бошқарув ташкилотини самарали фаолият олиб боришга қақириб, бу бўйича зарур тавсияларни бериб ўтди.

Тумандаги яна бир катта муаммо чикиндирилган билан боғлиқ. Кўп қаватли уйлар атрофидаги бундай тартибсизликлар аҳоли қавиятига таъсир этиши табиий.

Мутасаддилар мазкур муаммони тегишли ташкилотларни жалб этган ҳолда бартараф этиш чораларини кўриб чиқиди. Шунингдек, кўп қаватли уйлар атрофида ўраб олинган қонуний қурилма-ларни бартараф этиш масалалари ҳам инспекция масъуллари иштирокида ўрганилди.

Ишчи гуруҳининг бошқа туманлардаги ўрганиш ишлари давом этмоқда.

1-бет

Ижро ҳокимияти тизимида бюрократияни камайтириш, коррупцияни йўқ қилиш, ихчам, самарали бошқаруви жорий этиш мақсадида дадил маъмурий ислохотни бошладик.

Бу борада барча вазирликлар ислоҳ қилиниб, уларнинг сони 61 тадан 28 тага келтирилди, вазифа ва ваколатлари аниқ белгиланди.

Шунингдек, давлатнинг бизнесни тартибга солишга қаратилган 500 та функцияси бекор қилинди, 70 таси хусусий секторга давлат-хусусий шериклик ва аутсорсинг асосида ўтказилди.

Хозирги кунга қадар 132 та лицензия ва рұхсат беришга оид ҳужжатлар бекор қилинди, 33 таси бўйича хабардор қилиш тартибига ўтилди.

Энг муҳими – ушбу ислохот доирасида инвесторлар билан ишлашнинг ахлит тизими жорий қилинди.

Инвестиция, саноат ва савдо вазирлигида лойиҳа ташаббусидан бошлаб, то уни ишга туширишгача бўлган барча жараёнларда инвесторларга “ягона дарча” орқали кўмаклашиш йўлга қўйилди.

Инвесторлар фаолиятига оид масалаларни тезкор ҳал этиш, уларнинг давлат раҳбари билан бевосита мулоқотини йўлга қўйиш мақсадида Президент ҳузурида Хорижий инвесторлар кенгаши иш бошлади.

Мен хорижий компаниялар вакиллари ва ишбилармонлар билан кўпроқ мулоқот қилишга интиланман. Сизларнинг ғоя, тақлиф ва ташаббусларингиз менга куч-ғайрат беради, янги ислохотларга ундайди. Шу боис, янги-янги инвесторлар билан тез-тез учрашувлар ўтказишга, сизларнинг юртимиздаги ютуқларингизни шахсан кафолатлашга тайёрман.

Инвесторлар ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилиш бўйича ҳам ислохотларимиз жадал давом этмоқда.

Чет эллик инвесторлар учун кўчмас мулк сотиб олиш, Ўзбекистонга келиб-кейтиш ва яшаш шартлари кескин соддалаштирилди.

Инвесторлар ҳуқуқларини суд орқали кафолатли ҳимоя қилиш борасида қатта қадамлар қўйилмоқда. Бу борада маъмурий судларнинг нуфузи оширилди ва уларга қатта ваколатлар берилди. Бундан буён тадбиркор ва инвесторлар судда ўз талабининг тўғрилигини исботлаш шарт эмас. Энди давлат идораси ўз қарорининг қонунийлигини исботлаб беришга мажбур бўлади. Юзага келган ҳар қандай ноаниқликлар эса инвесторлар фойдасига ҳал қилинади.

Қонунариимизда халқаро арбитраж судлари қарорларини мажбурий ижрога қаратиш механизмлари мустаҳкамлаб қўйилди.

Жорий йилда ҳам тадбиркорлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш бўйича ислохотларимиз давом эттирилади. Жумладан, халқаро экспертлар кўмағида тарихимизда илк бор Халқаро тижорат суди фаолияти йўлга қўйилди.

Ислохотларимиз натижасида Ўзбекистоннинг минтақадаги иқтисодиёти энг юқори диверсификация қилинган мамлакат сифатидаги макони янада мустаҳкамланди.

Бир йилнинг ўзида 100 мингга яқин янги корхоналар ташкил қилинди, киритилган хорижий сармояларнинг йиллик ҳажми 10 миллиард долларга етди ёки ислохотлар бошланган 2017 йилга нисбатан 3 баробар ошди, 1 миллионга яқин аҳоли камбағалликдан чиқарилиб, камбағаллик даражаси 17 фоиздан 14 фоизга туширилди. Эслатиб ўтаман, ислохотлар бошланган даврда бу кўрсаткич 30 фоиздан юқори эди.

Албатта, бу ютуқларда сиз, ҳурматли ҳамкорларимизнинг ўрни бекиёс.

Охириги йилларда сизларнинг кўмагингиз билан мамлакатимизда минглаб замонавий корхоналар ташкил қилинди, йирик лойиҳалар амалга оширилди, юз минглаб юқори даромадли янги иш ўринлари яратилди.

Фурсатдан фойдаланиб, ана шундай ютуқларга муносиб хисса қўшаётган барча хорижий ва маҳаллий инвесторларга, ҳамкор давлатлар ҳукуматларига, халқаро молия институтларига чўқур миннатдорлик ҳамда юксак ҳурмат ва эҳтиромимни билдираман.

Мухтарам меҳмонлар!

Ислохотларимиз жадал давом этиши, юртимизда бизнес эмин-эрқин ривожланиши учун янада мустаҳкам ҳуқуқий пойдевор керак.

Хабарингиз бор, яқин кунларда Янги Ўзбекистоннинг янгилаётган Конституцияси бўйича умумхалқ референдуми ўтказилди.

Энг аввало, янги Конституциямизда Ўзбекистон – суверен, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлат экани алоҳида белгиланмоқда. Барча ўзгаришларнинг туб негизига “инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари устувор” деган эзгу ғоя қўйилмоқда. Шунингдек, Конституциямизда илк бор қўлай инвестиция ва ишбилармонлик муҳитини таъминлаш, мулк дахлсизлиги, бозор муносабатларини ривожлантириш ва ҳалол рақобат учун шарт-шароитлар яратиш, суд мустақиллиги бўйича давлат ўзига мажбуриятлар олмоқда.

Ҳеч шубҳасиз, Янги Конституция – биз бошлаган ислохотларни изчил давом эттириб, энг муҳими, уларга ортга қайтмайдиган тус бериши муқарар.

Қадрли дўстлар!

Энди сизлар билан ҳамкорлигимизни кенгайтириш борасидаги янги имкониятларга тўхталасан.

Биринчидан, Ўзбекистон “яшил иқтисодиёт”га ўтиш йўлини қатъий давом эттиради.

Айниқса, “ACWA Power”, “Masdar”, “Total Eren” каби жаҳоннинг энг нуфузли компаниялари мамлакатимизда йирик қуёш ва шамол электр станциялари лойиҳаларини амалга оширмоқда. Шу йилнинг ўзида 2 минг мегаваттдан зиёд, кейинги йилда эса 8 минг мегаваттлик қувватлар ишга тушади.

“Яшил иқтисодиёт” бизга саноатининг янги йўналишларини ҳам олиб келмоқда. Қуёш панеллари, шамол турбиналари, инвертор ва бошқа электротехника маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корхоналар барпо этилмоқда. Бу – инвесторлар учун 8 миллиард долларлик имконият, дегани.

Сизларни шу каби лойиҳаларни амалга оширишга тақлиф қиламан ва бунинг учун барча шароитларни яратиб беришга тайёرمىз.

Иккинчидан, яқин-яқингача иқтисодиётнинг муҳим тармоқлари фақат давлат корхоналаридан иборат эди.

Ислохотларимиз натижасида олдинлари “ёпик” бўлган тармоқларга хусусий инвестициялар фаол кириб келмоқда. Биргина мисол, аввал 100 фоиз давлат тармоғи ҳисобланган авиация соҳасида хусусий секторга кенг йўл очилди. Жумладан, 5 та хусусий авиакомпания ташкил этилгани, Самарқанд аэропорти ташки бошқарува берилгани ҳисобиға парвозлар сони 2,5 баробар ошди.

Биз транспорт соҳасида рақобат муҳитини яратишга қаратилган ислохотларни давом эттираимиз. Бу йил Андижон, Наманган, Бухоро ва Урганч аэропортлари бошқарувини ҳам хусусий секторга топшираимиз.

Темир йўл соҳасида ҳам қатта ўзгаришларни бошлаяпмиз ва бунда инвесторлар фаол иштирок этишларини сўраб қоламан.

Шу билан бирга, тез ўсиб келаётган IT, туризм, таълим, тиббиёт каби соҳаларда Ўзбекистон минтақавий хабга айланиб бораётгани ҳам бу йўналишдаги қатта имконият.

Ушбу режаларимизни амалга оширишда халқаро молия институтларининг кўмағига таянаман. Мисол учун, Ислон тараққиёт банки бизга ишонч билдириб, давлат кафолатисиз 1,5 миллиард долларлик давлат-хусусий шериклик лойиҳалари бўйича жадал ишлапти. Бунинг учун форумда иштирок этаётган банкнинг президенти Муҳаммад бин Сулаймон ал-Жасир жанобларига алоҳида миннатдорлигимни билдираман.

Уйлайманки, ҳам корпоративимиз узок йиллар давом этади ва ҳар икки томон учун манфаатли бўлади.

Умуман, бу йил давлат-хусусий шерикликини жорий қилиш бўйича 14 миллиард долларлик алоҳида дастурлар халқаро молия институтлари кўмағида ишлаб чиқилди. Булар давлат учун муҳим бўлган транспорт коммунал ва сув хўжалиги, соғлиқни сақлаш каби тармоқларни қамраб олади ва улар бўйича ушбу форум доирасида сизларга аниқ лойиҳалар тақдим этилади.

Konstitutsiya O'zimizniki

СИЁСИЙ ЖАРАЁНДА ФАОЛ ҚАТНАШАЙЛИК!

1-бет

Таъкидлаш лозимки, янги тахирдаги Конституциямиз лойиҳасида аҳолининг ижтимоий жиҳатдан эҳтиёжманд тоифаларини уй-жой билан таъминлаш бўйича алоҳида норма белгиланмоқда. Унга кўра, аҳолининг ижтимоий жиҳатдан эҳтиёжманд тоифаларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳаётда ўз ўрнини топишларига кўмак кўрсатиш ижтимоий давлатнинг муҳим функцияларидан биридир. Айниқса, муҳтож ва эҳтиёжманд фуқароларни уй-жой билан таъминлаш ва ҳар жиҳат-

дан қўлаб-қувватлаш Янги Ўзбекистон инсонпарвар сиёсатининг устувор йўналишидир.

Мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёев 2022 йил 20 июндаги Конституциявий комиссия аъзолари билан учрашувда "Конституциямизда фуқароларимизнинг уй-жойга бўлган ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, муҳтож тоифаларни уй-жой билан таъминлаш бўйича давлатнинг мажбуриятларини мустаҳкамлаш зарур", дея таъкидлаган эди. Шу боис, янги тахирдаги Конституциямиз лойиҳасининг 47-моддасида "Аҳолининг ижтимоий жиҳатдан эҳтиёжманд тоифаларини уй-жой билан таъминлаш тартиби қонунда белгиланади", деган янги ва қатъий таъминлаш мустаҳкамланмоқда.

Хусусан, уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож бўлганларга ипотека кредити бўйича дастлабки бадал ва (ёки) фоизаларнинг бир қисmini қоплаш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетни маблағлари ҳисобига субсидиялар тўланиши белгиланди. Янги тартиб доирасида 2020-2022 йилларда жами 27 800 нафар фуқарога бошланғич бадалнинг бир қисmini қоплаш учун

қисmini қоплаш учун 795 миллиард 600 миллион сўм ва 38 минг 811 нафар фуқарога 429 миллиард 400 миллион сўм миқдоридagi фоиэ тўловлари бир қисmini қоплаш учун субсидия ажратилган. Охириги олти йилда мамлакатимиз бўйича қарийб 300 мингта ёки аввалги йилларга нисбатан 10 баробар кўп уй-жой қурилди. Утган йили мамлакатимизда 50 минг оила учун янги квартиралар олишга шароит яратилган. Жорий йил якунига қадар эса 90 минг оилани уй-жойли қилиш чоралари кўриломқда. Яқин 2-3 йилда бу рақамни 200 мингта етказиш мақсад қилинган.

Яна бир мисол, уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож бўлган хотин-қизлар ижара ҳуқуқи асосида ижтимоий уй-жойларга жойлаштирилмоқда. Жумладан, уй-жой фондида ижара ҳуқуқи асосида истиқомат қилаётган эҳтиёжманд хотин-қизларга улар томонидан тўланадиган ойлик ижара тўловининг 50 фоизи "Аёллар дафтари" жамғармаси ҳамда давлат маблағлари ҳисобидан қоплаб берилмоқда. Бундай меъёр бир қатор скандинавия давлатлари, хусусан, Швейцария, Финляндия, Португалия, Польша каби республикаларнинг ҳам Конституциялари киритилган. Ҳар бир фуқаро, айниқса, ёш оилаларнинг ўз хонадони ва бошпанасига эга бўлиши унинг меҳнат самарадорлигига, ўқиб имкониятларига, самарали дам олишига ижобий таъсир кўрсатиб, шахснинг ижтимоий барқарорлиги ва ҳаётдан рози бўлиб умргузаронлик қилишини таъминлайди.

Юқоридагилардан хулоса қилиб айтadиган бўлсак, Бош Қомусимиз элимиэ томонидан юксак эътирофга эга ва юртдошларимизнинг эзгу манфаатларига хизмат қиладди. Шу нуқтаи назардан, мамлакатимизда жорий йил 30 апрель куни бўлиб ўтадиган "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонун лойиҳасига доир умумхалқ референдуми халқимизнинг демократик ислохотлар йўлидаги яна бир муҳим қадамдир. Мамлакат келажига бефарқ бўлмаган барча юртдошларимизни муҳим сиёсий жараёнда фаол иштирок этишга қақираман.

ЯНГИЛАНАЁТГАН КОНСТИТУЦИЯДА ЁШЛАР ҲУҚУҚЛАРИГА ОИД ЭНГ МУҲИМ 5 ТА ЯНГИЛИК:

- Давлат ёшларнинг шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий, экологик ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлайди.
- Давлат ёшларнинг жамият ва давлат ҳаётида фаол иштирок этишини рағбатлантиради.
- Давлат ёшларнинг интеллектуал, ижодий, жисмоний ва ахлоқий жиҳатдан шаклланиши ҳамда ривожланиши учун шарт-шароитлар яратади.
- Давлат ёшларнинг таълим олишга, соғлиғини сақлашга, уй-жойга, ишга жойлашишга, бандлик ва дам олишга бўлган ҳуқуқларини амалга ошириш учун шарт-шароитлар яратади.
- Давлат ва жамият ёшларда миллий ва умуминсоний қадриятларга содиқликни, мамлакатидан ҳамда халқнинг бой маданий меросидан фахрланишни, ватанпарварлик ва Ватанга бўлган меҳр-муҳаббат туйғуларини шакллантириш тўғрисида ғамхўрлик қиладди.

ЯНГИЛАНАЁТГАН КОНСТИТУЦИЯДАГИ ЭНГ МУҲИМ ИЖТимоий-СИЁСИЙ ЖИҲАТЛАРНИ БИЛАСИЗМИ?

- Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари давлат хизматига киришда тенг ҳуқуққа эгадир.
- Ҳар ким агар давлатнинг ҳуқуқий ҳимояга доир барча ички воситаларидан фойдаланиб бўлинган бўлса, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилувчи халқаро органларга мурожаат этишга ҳақли.
- Сайлов ҳуқуқига эга бўлган юз минг нафардан кам бўлмаган фуқаролар қонунчилик тақлифларини қонунчилик ташаббуси тартибида киритишга ҳақли.
- Фуқаролар Давлат бюджетининг шакллантирилиши ҳамда ижро этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширади.
- Давлат Интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланишни таъминлаш учун шарт-шароитлар яратади.

Ярим асрда амалга оширилмаган ишлар бир йилда бажарилди

Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ, "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Яқин-яқингача Жиззах вилоятининг Зарбдор тумани ҳақида гап кетса, пахта далаларию, қамиш босган зовурлар, қаровсизликдан ташландиқ қолга келиб қолган ерлар ва унинг кўримсиз қолдаги маркази кўз ўнгимизда гавдаланарди. Энди эса бундай дейишга тилимиз бормайди. Чунки давлатимизда амалга оширилаётган дастурлар доирасида мазкур туманда ҳам кенг кўламли ишлар бажарилмоқда. Биргина ўтган йили ҳудуд ижтимоий инфратузилмасини талаб даражасига келтириш учун 40 миллиарддан ошдиқ маблағ эвазига қурилиш-таъмирлаш, реконструкция ҳамда ободонлаштириш ишлари амалга оширилди.

Президентимизнинг 2022 йил 18 мартдаги "2022-2026 йилларда "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига кўра, тумanning "Анджон" ва "Ади́робод" МФИда 12 миллиард 400 миллион сўмлик бунёдкорлик ишлари бажарилди. Натижада ҳар иккала ҳудуднинг маънавий қиёфаси тубдан ўзгариб, яшовчилар учун барча зарур шароитлар яратилди. Шунингдек, ҳунари бору, аммо ишсизликдан уйда ўтириб қолган хотин-қизлар учун саноат соҳасига ихтисослашган кичик ишлаб чиқариш цехлари қурилиб, фойдаланишга топширилди. Айни пайтда 100 нафарга яқин киши шу жойларда меҳнат қилмоқда.

Қишлоқ ва маҳаллалардаги энг долзарб масалаларни тизимли ҳал этишга алоҳида эътибор берилаётгани натижасида ички йўллар, ичимлик суви, электр энергияси, газ таъминоти, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, спорт ва бошқа инфратузилма объектларини бунёд этиш учун ўтган даврда етарли миқдорда маблағ сарфланиб, кўплаб муаммоларга барҳам берилди.

Ижтимоий инфратузилма соҳасида олиб борилаётган

ишларни жорий йилда ҳам изчил давом эттириш мақсадида учта йўналиш бўйича 18 миллиард сўмлик қурилишларни бажариш режалаштирилган. Жумладан, давлатимиз раҳбарининг 2022 йил 28 декабрдаги "Ўзбекистоннинг 2023-2025 йилларга мўлжалланган инвестиция дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига биноан, ажратилган зарур маблағ ҳисобига "Керез", "Мустақиллик кўёши", "Истиқбол", "Тараққиёт", "Бахт", "Мустақиллик", "Намуна" ва "Оқар" сув истеъмолчилар уюшмалари ҳудудларида коллектор-дренаж тармоқларини қуриш ва реконструкция қилиш ишлари бошлаб юборилди. Булардан ташқари, ҳудуддаги 15 та объект учун яна 9 миллиард 700 миллион сўм маблағ ажратилган. Шунингдек, "Шодлик" МФИда 1,5 километр электр узатиш тармоқлари реконструкция қилиниб, 122 та темир-бетон электр узатгич таянч устунлар ўрнатилиши кўзда тутилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, ярим асрда амалга оширилмаган ишлар бир йил оралиғида бажарилгани аҳоли турмуш фаровонлигини янада оширишда муҳим аҳамият касб этапти.

“Ўзбекистон ёшлар форуми” ташкил этилди



Азизахон МУРОТХОНОВА, Ўзбекистон Журналистика ва оммавий коммуникациялар университети талабаси.

Энергетика вазирлиги, "Иссиқлик электр станциялари" АЖ ҳамда Ўзбекистон энергетика, нефть-газ ва геология ходимлари Касаба уюшмаси Республика кенгаши ҳамкорлигида энергетиклар шаҳри – Ширинда "Ўзбекистон ёшлар форуми" ташкил этилди.

Тадбир Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 28 февралдаги "2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини "Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили"да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида"ги фармони, шунингдек, 2023 йил 11 апрель куни давлатимиз раҳбари раислигида ёшлар сиёсати соҳасидаги ишлар натижадорлигини ошириш чора-тадбирлари юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида белгиланган устувор вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида ўтказилди. Унда Энергетика вазирлиги тармок корхоналари ва "Иссиқлик электр станциялари" АЖ филиаллари ҳамда тизим корхоналаридан жами 400 га яқин ёшлар иштирок этди.

Форум "Спортни сев, спорт билан яша!" шiori остида эрта тонгдан ўтказилган "Энергетиклар марафони" оркали старт олди. Унда "Иссиқлик электр станциялари" АЖ ва филиаллари, энергетика, нефть-газ ва геология корхоналари ёшлари 4,5 километри марафонда иштирок этишди. Шундан сўнг ОАВ вакиллари, журналист ва блогерлар ва бир гуруҳ ёшлар учун шаҳардаги бир неча объектларга пресс-тур ташкил этилиб, тадбир қатнашчилари Сирдарё иссиқлик электр станцияси фаолияти билан яқиндан танидишлар.

Сирдарё ИЭСга ёндош Ширин шаҳри ва Боёут туманлари ҳудудида Саудия Арабистонининг "ACWA Power" компанияси томонидан қуввати 1 500 МВт бўлган иссиқлик электр станцияси қурилмоқда. Тадбир қат-

нашчилари қурилиш майдонида бўлиб жараёнга гувоҳ бўлишди.

Энергетика соҳасига замонавий технологияларнинг жорий этилиши малакали кадрларни тайёрлашни тақозо этади. Энергетика вазирлиги ва "Иссиқлик электр станциялари" АЖ тасарруфидаги Ширин энергетика коллежи касб-хунарга ўргатиш, соҳа ва тармокларни етук, салоҳиятли мутахассис кадрлар билан таъминлашда етакчилик қилиб келмоқда. Коллежда Саудия Арабистонининг "ACWA Power" компанияси буюртмаси асосида кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилган бўлиб, 2,8 млн АҚШ долларлилик замонавий устахона, лаборатория ва ётоқхона барпо қилинган. Ҳозирда пайвандчилик, чилангарлик, ахборот технологиялари ва электромонтерлик йўналишлари бўйича ёшларга таълим берилляпти. Шунингдек, компания буюртмаси асосида 140 нафар ёшларни муқобил энергия станцияси техникаси, оператори ва диспетчери каби касбларга тайёрлаш бошланган.

Ҳозирда "Иссиқлик электр станциялари" АЖ марказий аппарати, филиаллари ва тизим корхоналарида жами 12 минг нафардан ортқ ходим меҳнат қиладди, шундан 2 500

нафари ёшлардир. Уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, хусусан, малакаларини ошириш, хориж тажрибасини ўзлаштиришлари учун имкониятлар яратиш, касбий ўсишларига кўмаклашиш, муносиб меҳнат шароити билан таъминлаш, қолаверса соҳага ёш истиқболли кадрларни жалб этиш акциядорлик жамияти кун тартибининг муҳим масалаларидан саналади. Шу мақсадда Энергетика вазирлиги ва "Иссиқлик электр станциялари" АЖ томонидан Ширин шаҳри ёшлари учун "Ёшлар маркази" қуриб битказилди. Форум доирасида замонавий архитектура ечими асосида бунёд этилган, ҳар томонлама қўлайликларга эга марказнинг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

Форум доирасида "Раҳбар ва ёшлар" учрашуви ташкил этилди, шунингдек, ёшлар иштирокида марказ ҳудудида 500 туп дарахт кўчатлари экилди.

Тадбир ўзбек эстрадасининг ёш ижодкорлари иштирокидаги гала концерт билан якунланди. Умуминсоний қадриятлар, она Ватанга муҳаббат ғоялари асосида ижро этилган куй-қўшиқларга ҳамоҳанг тарзда отилган мушаклар иштирокчиларга ўзгача кайфият улашди.

АНДИЖОН ВИЛОЯТИ

Электр энергияси етказиб бериш сифати ошмоқда

Зиё СИРОЖ, “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Бугун республикамизнинг барча худудларида давлатимиз раҳбарининг 2022 йил 25 октябрдаги “2022-2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини янада яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш доирасида амалга оширилаётган ишлар кенг қулоч ёйган. Худудларни ободонлаштириш ва аҳоли турмуш шароитини яхшилашга йўналтирилган хайрли ишлар давомида кўплаб муаммолар ижобий ечим топмоқда.

Хусусан, қарор ижроси доирасида Андижон шаҳридаги “Маърифат” МФИда электр энергияси таъминотидаги узилиш-лар барҳам топадиган бўлди.

– Гарчи, вилоят марказида истиқо-мат қилсақда, айрим муаммолардан холи эмас эдик, – деди Олим Саркор кўчасида истиқомат қилувчи Абдурахмон Абдул-лаев. – Айниқса, электр энергияси билан боғлиқ масалада мурожаат қилмаган идо-рамиз қолмади, ҳисоб. Ёздаку майли, бир нави, бироқ куз-киш мавсумидаги қийин-чиликни асти сўраманг. Бугун маҳалла-мизда амалга оширилаётган бунёдкор-лик ишлари кайфиятимизни кўтармоқда. Уйимиздаги чароғонлик кўнглимизни ҳам ёритиб юборди гўё.

Маҳалладошларнинг қувонганича бор! Зеро, қарор ижросини таъминлаш

доирасида ушбу маҳалланинг ўзида 20 дона темир-бетон таянч ўрнатилиб, 3 минг метр узунликдаги ҳаво тармоғи тортилди. 2 дона трансформатор пункти эса худуддаги таъминот сифатини яхши-лашга хизмат қилади. Бунинг натижасида 200 дан ортиқ хонадонда электр энер-гияси билан боғлиқ муаммолар барҳам топади.

– Бу каби ишлар вилоятнинг 30 та маҳалласида олиб бориляпти, – деди “Ху-дудий электр тармоқлари” АЖ Андижон худудий филиали ходими Мухлисахон Собирова. – Шу қунгача 1 минг 67 та те-мир-бетон таянч ўрнатилиб, 59,5 кило-метр масофага электр узатиш тармоғи тортилди. Шунингдек, 18 та трансфор-матор пунктини ўрнатиш ишлари давом этапти. 3 та объектада қурилиш-монтаж



ишлари яқунланиб, аҳолига электр энер-гияси етказиб бериш сифати янада яхши-ланди.

Аҳолининг яхши яшаши учун кўп нар-са керак эмас. Бунинг учун энг аввало, кундалик эhtiёжлар қондирилса кифоя.

Электр энергияси таъминоти ҳам ана шу эhtiёжлар жумласига киради. Бу борада худудларда амалга оширилаётган хайрли ишлар тез орада яна кўплаб ҳамюртлари-миз учун қулай шароитлар яратилишидан далолатдир.

БУХОРО ВИЛОЯТИ

50 нафар ходимга уй-жой учун бошланғич тўлов тўлаб берилади

Жаҳонгир ФОЗИЛОВ,
Бухоро вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси матбуот котиби.

Президентимиз раислигида жорий йилнинг 5 апрель куни янги уй-жойлар қурилиши ва 2023 йилги ипотека дастури бўйича устувор вазифалар муҳокамаси юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида аҳолини уй-жой билан таъминлаш борасида қулай шароитлар яратиш хусусида тўхталиб ўтган эди. Унга кўра, аҳолининг уй-жой масаласидаги эhtiёжини бартараф этиш мақсадида тадбиркорларни ушбу масалага жалб қилиш ҳамда улар томонидан қурилган кўп қаватли биноларни аҳолига топшириш борасида кенг имтиёзлар яратиб берилди.

Қувонарлиси, бу борада Бухоро вилоятининг Ғиж-дувон туманида ҳам самарали ишлар олиб борил-моқда. Жумладан, “Parvoz humo ravnaq trans klasteri” МЧК туманда қурилаётган “Янги Ўзбекистон” масси-видаги кўп қаватли турар жой учун ишчи-ходимларнинг 50 нафарига (яъни боқувчисини йўқотган, ижтимоий келиб чиқиши оғир, эhtiёжманд оилаларни) доимий уй-жойга эга бўлишлари учун бошланғич тўлов бораси-даги ҳужжатларни расмийлаштириб беради.

Маълумот учун, Ғиждувон туманидаги ушбу мас-сивда 129 та беш қаватли, жами 2 минг 580 та хона-донга мўлжалланган замонавий, энергия тежамкор уй-жой барпо этилмоқда. Турар жойларга мутаносиб

равишда умумтаълим мактаби, 2 та мактабгача таъ-лим ташкилоти ҳамда соғлиқни сақлаш муассасаси ҳам қурилмоқда. Айтиш мумкинки, Ғиждувон тумани манзарасига ўзига хос кўрк бағишлаётган “Янги Ўзбе-кистон” массивида олиб борилаётган кенг кўламдаги қурилиш-бунёдкорлик ишлари мутасаддилар томо-нидан мунтазам назоратга олинган. Бу жараёнда би-нокорлар дуч келаётган масалалар кундалик муҳо-кама қилиниб, таъминот ва ташкилий ишларда зарур чора-тадбирлар қурилмоқда. Бундан кўзланган мақ-сад эса, қад ростилаётган иншоотларни сифат ва суръ-атга эътибор қаратган ҳолда тезроқ фойдаланишга топширишдир.

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ

Дастурлар ижроси таъминланмоқда

Фозилжон ҚОСИМОВ, “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Ғаллаорол туманида 2022 йилда 3 та дастур доирасида жами 45 млрд сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилган.

Хусусан, 2022 йил 22 январ-даги Инвестиция дастурига асо-сан, 13 та объектада 21 млрд сўм-лик қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилди. “Обод қишлоқ” дас-тури асосида Ғўбдин, Қўпчоқсув ва Булоқбоши маҳаллаларида барча манбалар ҳисобидан 16,9 млрд сўмлик ободонлаштириш ишлари олиб борилди. Вазирлар Маҳкамасининг 635-сонли қаро-рига асосан, ичимлик суви, электр энергия, ички йўллар ва бошқа инфратузилма объектлари билан боғлиқ долзарб масалаларни ҳал этиш учун туманда барча манба-

лар ҳисобидан 7,1 млрд сўмлик ишлар амалга оширилди.

Шунингдек, 2023 йилда 3 та дастур доирасида жами 18 млрд сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишла-ри олиб борилиши кўзда тутилган. Хусусан, 2022 йил 30 декабрда-ги Инвестиция дастурига асосан 6 та объект учун жами 10,6 млрд сўм, Президентимизнинг қишлоқ ва маҳаллалар инфратузилмаси билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш мақсадида қабул қилинган ПҚ-408-сонли қарорига асосан 11 та объект учун 7,4 млрд сўм маблағ ажратилган. Бундан ташқари, Ва-

ги кунда туманда мактабгача таълим ташкилотлари сони 83 тага етиб, 6300 нафардан зиёд ўғил-қизлар қамраб олинган.

Яқинда туманнинг 3-сектор худудидаги Оқтом маҳалласида 100 ўринли янги давлат мактабгача таъ-лим ташкилоти фаолияти йўлга қўйилди. Ушбу икки қаватли бинони бунёд этиш учун 3 миллиард 733 миллион сўм маблағ сарфланди. Мазкур давлат мак-табгача таълим ташкилоти фаолиятининг йўлга қўйи-лиши ҳисобига маҳалладаги 20 нафар хотин-қизлар бандлиги таъминланди.

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ

Кўкдала тумани 1 ёшда

Шўхрат НОМУРОДОВ, “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Бундан бир йил аввал Президентимиз ташаббуси ва 2022 йил 19 апрелдаги қарори билан Қашқадарё вилоятида янги, Кўкдала тумани ташкил этилган эди. Кўкдалага ташириф буюрган давлатимиз раҳбари уни туман сифатида эълон қилар экан, “Кўкдала туманини ташкил этишдан асосий мақсад бу ерда яшайдиган 182 минг нафар аҳоли учун муносиб турмуш шароитини яратиш, худудни иқтисодий ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича ишларимизни янги босқичга кўтаришдир”, дея таъкидлаган эди.

Шу бир йил ичида Президентимиз-нинг сўзлари амалда ўз исботини топиб, туманда нисли қўрилмаган ишлар амал-га оширилди ва давом этмоқда. Кўзлаб километр йўллар қайта таъмирланиб, 50 дан ортиқ янги бинолар, шундан 18 та янги маҳалла биноси, 16 та ДМТТ би-носи ҳамда 3 та мактаб биноси фойда-ланишга топширилди. Бундан ташқари, Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан туманда умумий қиймати 1 трлн 87,1 млрд сўмни ташкил этадиган 190 та лойиҳа амалга оширилди.

Туман худуди 171 минг гектар бўлиб, 32 та маҳалладан иборат. Лойиҳага кўра, Ёттигом шаҳарчасида туман ҳокимлиги ва маҳаллий идоралар учун бинолар, “Янги Ўзбекистон” массиви, боғча ва мактаблар, поликлиника, истироҳат боғи, халқаро аҳамиятдаги йўл бўйида хизмат кўрсатиш ва савдо мажмула-

ри, 159 километр йўл таъмирланиб, 50 километр ичимлик суви, 80 километр электр тармоқлари қурилиши бошлаб юборилган.

Кўкдала аҳолиси яна бир жиҳати билан ажралиб туради. Улар полизчи-ликни ҳам яхшигина ҳадисини олишган. Эрта баҳордан дунё бозорларига тарвуз маҳсулоти етказиб берадиган туман си-фатида ҳам пешқадамликни ҳеч кимга бермай келмоқда. Жорий йил ҳам ту-манда жами 20 минг гектар ерда тарвуз-нинг эртапишар, ўртапишар ва кечпи-шар навлари экилган.

Вилоятда ҳали “ёш” бўлишига қара-масдан, илдам қадамлар билан ривожла-ниб бораётган туман аҳли ҳам келгусида мамлакатимизнинг иқтисодий-ижтимо-ий салоҳиятини юксалтиришда ўзлари-нинг муносиб ҳиссасини қўшиш ниятида ғайрат билан меҳнат қилмоқда.

“Ташаббусли бюджет”дан аҳоли мамнун

“Ташаббусли бюджет” жараёнларида Қамаши туманида 5 минг 350 та овоз билан ғолиб, деб топилган кўп тармоқли марказий поликлиниканинг болалар бўлими 1,2 миллиард сўм маблағ эвазига таъмирдан чиқарилиб, қайтадан фойдаланишга топширилди.



Қўркам ва замонавий кўринишга эга бўлган янги бинонинг очилиш маро-симидан туман ҳокимлиги раҳбарияти, нуруийлар ва тиббиёт бирлашмаси

жамоаси иштирок этди. Таъкидланиши-ча, мазкур бўлим эндиликда тумандаги 105 мингга яқин болага тиббий хизмат кўрсатади.

5 оилага хонадонлар калити топширилди

Узоқ йиллар давомида ўз бошпанаси бўлишини орзу қилган кўкдалалик бу оилалар давлат эътиборидан четда қолиб кетмади.

Уларнинг орзуси Президентимиз яра-тиб берган шароитлар натижасида, шу-нингдек, айнан арафа кунида ушалгани хонадон эгалари учун катта соғва бўлди. Ҳокимлик ташаббуси билан қаров-

сиз бино тўлиқ реконструкция қилиниб, яшаш учун қулай шароитлар яратилган ҳолда фуқароларга тантанали равишда топширилди. Хонадон эгаларига бу қу-вончли кун кўшалоқ байрам бўлди.

“Дехқонобод” сел-сув омбори фойдаланишга топширилди

20 млн куб метр сув йиғишга мўлжалланган ушбу сел-сув омбори тўғонининг баландлиги 7 метр бўлиб, қиялигида 20 см қалинликда монолит темир-бетон ётқизиш, фавқулодда сув ташлама иншоотининг кириш ва чиқиш қисмларида қайта куриш ишлари бажарилиб, омборнинг техник ҳолатини кузатиб бориш учун 48 дона кузатув қудуги ва 2 та қоровулхона биноси қурилди.



Тўғон ва сув омбор атрофи 3 кило-метр масофада тиканли ҳимоя симлар билан ўралиб, 38 дона ёритиш устуна-ри ўрнатилди. Бир сўз билан айтганда, сел-сув омбори замонавий ва мустаҳкам қўринишга эга бўлди. Мазкур иншоот ишга тушиши натижасида тумандаги 22

та қишлоқда яшовчи 29 минг аҳолининг томорқа майдонлари оқар сувга бўлган эhtiёжи қондирилади. Шунингдек, 10 дан ортиқ ишлаб чиқариш корхонаси-га қўшимча сув берилишига ва 1,6 минг гектар ер майдони ишончли сув билан таъминланишига замин яратилди.

ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ

Сахро қўйнидаги мўъжиза

Болтабой МАТҚУРБОНОВ,
журналист.

Пойтахтдан Хоразмга қараб йўлга чиққан йўловчи Бухорои шарифдан ўтгач, чексиз қумликларга – сахрога дуч келади. Қизилқум кенгликлари, ўрқач-ўрқач бўлиб ястаниб ётган қум тепаликлар. Қадимда ота-боболаримиз ана шу манзилларни от ёки туяда бир неча кунлар йўл юриб босиб ўтганликларига тасаннолар айтамиз. Бугун ўзимиз учкур автомашиналарда 4-5 соатда босиб ўтиладиган бу йўлларни нақадар узоқлигини кўриб, беихтиёр “Вой-бўй бунча узоқ, чарчадик” деймиз.

Эндиликда бу йўллар теп-текис, раvon. Автоулов ёки поездда бир зумда манзилга етиб оламиз. Салкам 400 километр масофани эгаллаган ушбу сахро кенгликлари-дан ўтсангиз, қадим Хоразм воҳасига ташриф буорасиз. Воҳага биринчи маротаба ташриф буяраётган меҳмон адо бўлмас қумликларни кўриб, Хоразм фақат қумликлардан иборат эканда, деган хулосага келиши табиий. Аммо Амударё бўйларига яқинлашганингиз сайин, теварак-атрофни яшиллик қоплай бошлайди. Сиз ана шундагина мўъжиза кашф этгандай бўласиз. Илгари воҳага кириб келишингизда сизни биринчи Ҳазорасп туманининг шаҳару қишлоқлари қаршилаган бўлса, эндиликда янги ташкил этилган – Тупроққалъа тумани билан рўбарў келасиз.

Хоразмга хуш келибсиз азиз меҳмон! Тупроққалъа Хоразмнинг кунчиқарида жойлашган, тарихи минг йилликларга бориб тақаладиган қадимий масканлар-



дан биридир. Ўтган асрда Амударё бўйларида ташкил этилган Тупроққалъа массиви бир томони Амударё, бир томони эса Қизилқум бағрида янги очилган ерларда деҳқончилик қилишга мўжалланган эди. Бу ерга вилоят туманларидан кўнгиллилар келиб деҳқончилик қила бошлайди. Асли чорвачилик учун жуда қўлай бўлган бу ҳудудда ўт-ўлан сероб. Тез орада бу мавзеда қолхозлар ташкил этилиб, у ерга келиб ишловчилар учун уй-жойлар қурилди. Боғча, мактаб ва бошқа хизмат кўрсатувчи бинолар қад кўтарди.

Аммо, масофа узоқ эди. Вилоят марказидан оз эмас, кўп эмас 250, Ҳазорасп туман марказидан эса 150 километр. Ураура замонида бу ерларга ҳам пахта экилди. Эшовидан тушови қимматга тушган пахтачилик узини оқламади. Чунки пахта ва донни узоқ масофага ташиш кўп харажат талаб қиларди. Тупроққалъадаги жамоа ҳўжаликлари “ўтириб” қолди. Аҳоли учун қўлай шароит яратилмади. Мактабгача таълим, умумтаълим, касб-хунар таълими ва тиббиёт муассасалари ҳамда ички йўллар қурилиши эътибордан четда қолди.

Юртбошимизнинг 2020 йил вилоятга ташрифи воҳа ижтимоий-иқтисодий ҳаётида янги босқич бошланишига пойдевор бўлди, десак янглишмаймиз. Сабаби, Президентимиз нисбатан четда жойлашган вилоятда саноатни ривожлантириш, мавжуд ресурслардан самарали ва оқи-

лона фойдаланиш, аҳоли бандлигини таъминлаш, бир сўз билан айтганда, одамларни рози қилиш учун ислохотларнинг янги босқичида кечиктириб бўлмас ва-зифаларга ечим топадиган ташаббусларни ўртага ташлади. Вилоятда янги туман ташкил қилиш ташаббуси ҳам Президентимиз томонидан тақлиф этилиб, “Хоразм вилояти таркибида Тупроққалъа туманини ташкил этиш билан боғлиқ ташкилий масалаларни ҳал этиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарори қабул қилинди.

Шундай қилиб воҳада яна бир туман ташкил этилди.

Тупроққалъа туманининг майдони 192 262 квадрат километр бўлиб, 10 564 та хонадонда 54,2 минг киши истиқомат қилади. Аҳоли пунктлари сони 17 та, маҳалла фуқаролар йиғини 15 тани ташкил этади. Туман таркибига Питнак шаҳри, Амударё бўйидаги Саримой қишлоқлари ҳам кир-ради. Дарвоқе, туман маркази сифатида иккита ҳудуд танланди. Биттаси Питнак шаҳри, яна биттаси Тупроққалъа массиви. Хабарингиз бор, Питнак шаҳри қисқа муддатда дунёга танилиб ўлгурди, десак асло муболага эмас. Чунки бу ерда авто-мобиль заводи иш бошлади. Ҳозирда икки мингдан зиёд ёш йигит-қизлар автомо-биль ва унинг эҳтиёт қисмларини ишлаб чиқариш билан шуғулланади. Питнак шаҳри қиёфасининг тубдан ўзгаришида йўлнинг икки томонида бир қатор бўлиб

саф тортган намунавий уй-жойларнинг ҳам ҳиссаси катта.

Яна бир эътиборли жиҳати, Президен-тимизнинг “Янги Ўзбекистон” массивла-рида уй-жой қурилиши ва 2023 йил учун ипотека дастурини амалга ошириш бўйича устувор вазифалар юзасидан ўтказган видеоселектор йиғилишида бу борадаги ишлар Хоразм вилоятида яхши кетаётган-и эътироф этилди. Бунёдкорлик ишлари айниқса, вилоятнинг кенжа тумани бўл-миш – Тупроққалъада жадал давом этти-рилмоқда. Шу кунгача “Янги Ўзбекистон” массивларида 5 та тўрт қаватли, 24 хона-донли, 2 та беш қаватли 30 хонадонли, 5 та беш қаватли 20 хонадонли кўп қаватли турар жой бинолари ва 50 ўринга мўл-жалланган оилавий шифокорлик пункти қуриб фойдаланишга топширилди.

Айни пайтда тумanning “Обод” МФЙ ҳудудида жойлашган “Янги Ўзе-бикстон” массивида 200 хонадонга мўл-жалланган 10 та кўп қаватли уйлар ва 360 ўринли мактабгача таълим биноси қурилиши давом этмоқда. Шунингдек, массивда 4 та тадбиркорлик объекти ва 50 ўринга мўлжалланган оилавий шифо-корлик пункти ҳам барпо этилиши режа-лаштирилган.

Умуман олганда, аҳолини уй-жой билан таъминлаш масаласи доимий эътиборда десак, хато бўлмайди. Зеро, Тупроққалъа тумани ташкил қилингандан сўнг, 2020 йилнинг ўзида 176 та хонадонга эга 6 та кўп қаватли, 2021 йилда эса 120 та хонадонга эга 5 та кўп қаватли турар жойлар, хусу-сан, 4 та турар жой ПФ-6186-сон Фармони асосида қуриб битказилиб, фойдаланишга топширилгани фикримизнинг исботидир. Шунингдек, ўтган йилда ҳам 240 хонадон-га эга 11 та кўп қаватли уйлар қурилиши бошланган бўлиб, ҳозирги кунда 160 та хо-надонли 7 та кўп қаватли бинолар фойда-ланишга топширилган. Жорий йил якунига қадар жами эса 337 та хонадонга эга 13 та турар жойлар фойдаланишга топширили-ши режалаштирилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, сахро қўйни-даги мўъжаз маконда давом этаётган бу ислохотларнинг барчаси халқни рози қи-лиш, уларни уй-жой билан таъминлашдан иборатдир.

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ

“Ташаббусли бюджет” таъсири ҳозирданоқ сезилмоқда

Орифжон ИСМОИЛОВ,
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Бағдод туманининг “Миришкор” МФЙ ҳудудида ўтган асрнинг 90-йилларида қурилиши бошланган, аммо кейинчалик қаровсиз қолдирилиб, ўз ҳолига ташлаб қўйилган бинодан 1996 йилга келибгина 11-умумий ўрта таълим мактабининг филиали сифатида фойдаланила бошланди. Аҳоли сонининг муттасил ортиб бориши филиалга алоҳида мақом берилишини тақозо қилди ҳамда 2019 йилда 53-умумий ўрта таълим мактаби ташкил этилди.

Айтиш керакки, қарийб чорак асрдан буён тузуқ-куруқ таъмирланмаган мактабининг бугунги аҳволи миллий таълим келажагига бефарқ қарамаган ҳар қандай инсоннинг таъби-ни хира қилади. Отан замонидан қолган эшик-ромлар очил-са ёпилмайди, ёпилса, минг “хунар” билан очилади. Парта, стул, ёзув тахталари ва бошқа жиҳозлар алпақчонан фойдала-ниш муддатини ўтаб бўлган. Аммо янги мебеллар ўқувчи-ю ўқитувчиларнинг тушига қиярпти, холос. Деворлар моғорла-ган, сувоғи кўчган, полининг тешик жойлари амал-тақал ямаб қўйилган, иситиш тармоқларини-қу гапирмаса ҳам бўлади.

Бир гуруҳ фаоллар айни мактабдаги ҳолатни ўнглаш, ёш авлодга сифатли таълим бериш, замонавий қўлайликлар яратиш мақсадида “Ташаббусли бюджет”нинг жорий йилги биринчи мавсуми учун лойиҳа тақлифини киритишди. Лойи-ҳа якунида 2 минг 289 та овоз тўпланди. Эътиборлиси, Ўзе-бикстон Республикаси Президентининг “Ташаббусли бюд-жетлаштириш амалиётини янада такомиллаштириш ҳамда фаол маҳаллаларни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 117-сонли қарорига биноан, мазкур тақлиф ҳам ғолиб деб топилди.

– Шундан кейин мактабдаги муҳит тамоман ўзгарди, – деди директор Шохида Турсунова. – Устозлар ҳам, ўқувчилар ҳам ва уларнинг ота-оналари ҳам Давлатимиз раҳбарининг бу қароридан жуда мамнун бўлишди. Насиб этса, келгуси ўқув йилида мактабимиз мутлақо замонавий кўриниш олади ва аҳолининг кўп йиллик орзу-истаклари рўёбга ошади.

Лойиҳани амалга ошириш учун давлат бюджетидан 1,2 млрд сўм маблағ ажратилиши белгиланган. Бунда, ўқув биноларини мукаммал таъмирлаш ҳамда моддий-техник ба-зани мустаҳкамлаш кўзда тутилган.

Маълумот учун, “Ташаббусли бюджет”нинг 2023 йилги илк мавсумида Бағдод тумани фуқаролари томонидан 164 та лойиҳа тақлифи илгари сурилган бўлса, уларнинг 31 таси ғолиб деб топилди. Ушбу лойиҳаларни амалга ошириш учун жами 36 млрд 774,6 млн сўм йўналтирилади. Ғолиб деб то-пилган лойиҳаларнинг 19 таси маҳаллалар инфратузилма-сини яхшилаш билан боғлиқ бўлса, қолган 12 таси ижтимо-ий соҳа объектларини таъмирлаш ва моддий-техник базани мустаҳкамлашга қаратилган.

Ҳудудлар | 5

“O‘zbekinvest Hayot sug‘urta kompaniyasi” AJ

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғурта бозорини ривожлантириш агентлигининг 2022 йил 25 февралдаги СФ № 00050 серияли лицензияси
Манзил: 100015 Тошкент ш., массив Қоратош, 18.

2022 йил 31 декабрь ҳолатига БАЛАНС (минг сўм)	
АКТИВЛАР	
Узоқ муддатли активлар	38 752 537
Пул маблағлари	9 491 924
Қисқа муддатли инвестициялар	38 626 156
Дебитор қарздорликлар	3 888 897
Бошқа активлар	1 279 632
Баланс активи бўйича жами:	92 039 147
ПАССИВЛАР	
Устав капитали	20 000 000
Захира капитали	657 660
Суғурта заҳиралари	67 290 333
Қайта суғурталовчиларнинг суғурта заҳираларидаги улуши	217 289
Ҳисоб-китоблар	4 254 997
Тақсимланмаган фойда	53 447
Баланс пассиви бўйича жами:	92 039 147

2022 йил учун молиявий натижалар бўйича ҳисобот (минг сўм)	
Суғурта хизматларини кўрсатишдан соф тушум	105 778 257
Асосий фаолиятнинг бошқа даронадлари	13 444 997
Суғурта тўловлари	106 485 472
Харажатлар, жами	119 134 689
Умумхўжалик фаолиятининг фойдаси (зарари)	88 565
Фойда солиғи	35 118
Ҳисобот даврининг сой фойдаси (зарари)	53 447

Компаниянинг 2022 йил тўлиқ ҳисоботи билан www.uzhayot.uz веб сайти орқали танишиш мумкин.

Молиявий ҳисоботларнинг ишончлиги МЧЖ «Perfect Audit» аудиторлик ташкилоти томонидан тасдиқланди.

(O‘zbekiston Respublikasi Moliya vazirligining 2019 yil 17 apreldagi AF 00820-sonli litsenziyasi)

“Respublika mulk markazi” МЧЖ Қорақалпоғистон Республикаси филиали

бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдога тақлиф этади!

Аукцион савдога “Нукус ҳарбий савдо” ДУКнинг 2023 йил 23 апрел-даги 22-сонли алоқа хатига асосан, Нукус шаҳри, Ватанпарвар кўчаси, рақамсиз уйда сакланаётган, 1994 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 18 JK 353 бўлган, капитал таъ-мирталаб ҳолдаги “ОПЕЛЬ ВЕКТРА” русумли автомашина. **Бошланғич баҳоси – 2 067 500 сўм.**

Аукцион савдо 2023 йил 30 май кунни соат 11.00 дан бошлаб Нукус шаҳри, А. Шамуратова кўчаси, 117-“Б” уй манзилида жойлашган “Qoraqalpoq mulk markazi” МЧЖ би-носида ўтказилади.

Аризаларни қабул қилишнинг охириги муддати: аукцион савдодан бир кун олдин соат 18.00 гача.

Аукцион савдода иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 га қадар қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Савдо

ғолиби деб топилган шахсларга 20 иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юкля-тилади.

Савдога қўйилган автотранспорт воситаси билан шанба ва якшанбадан ташқари кунлари бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Савдода қатнашиш учун талаб-горлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган микдорда закалат пулини савдо ташкилотчи-си “Respublika mulk markazi” МЧЖ Қорақалпоғистон Республикаси филиалининг қуйидаги ҳисоб рақа-мига тўлашлари шарт: 2020 8000 7005 7145 2012 АТБ “Давр банк” Ол-мазор филиали МФО 01121 СТИР 200 933 850 ОКОНХ 84200.

Аукцион савдо ўтказиладиган манзил: Нукус шаҳри, А. Шамуратова кўчаси, 117-“Б” уй.

Тел.: 61-222-84-44.
Расмий сайтимиз: www.rmm.uz

Туғилган кунингиз муборак бўлсин! Апрель ойининг сўнгги кунларида таваллуд айёмларини нишонлаётган

“O‘zbekiston bunyodkori” газетаси-нинг Жиззах вилояти бўйича мухбири **Фозилжон Қосимов,**

Ўзбекистон транспорт, йўл ва ка-питал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари қасаба уюшмаси Респу-блика Кенгаши тизимидаги Сурхондарё вилояти кенгаши раиси **Азим Шерда-науқолов,**

Бухоро вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бошқармаси Архитектура ва режалаштириш то-пшириғини ишлаб чиқариш бўлими етакчи мутахассиси **Жасурбек Турсу-нов,** Қоровулбозор тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бошлиғи **Илҳон Ҳақназаров,**

Жиззах вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бошқар-маси раҳбар котибаси **Мафтуна Зийёуллаева,**

Қорақалпоғистон Республикаси, Қўнғирот тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бош режа-ларни амалга ошириш ва объектлар-ни жойлаштириш бўйича архитектор **Сарвиноз Султамуратова,**

Сирдарё вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бошқармаси хайдовчиси **Фаррух Қулматов,**

Навоий вилояти, Навоий шаҳрида-ги “Нуробод гулшани коммуналчи” БСК МЧЖ бош директори **Шерзод Қудратов,**

Наманган вилояти, Норин тумани-даги “Янги уйлар истиқболи” МЧЖ бошқарув компанияси бош директори **Элёрбек Абдухаликов,**

Фарғона вилояти, Фарғона шахри-даги “Фарғона Адолат коммуналчи” МЧЖ бошқарув компанияси бош ди-ректори **Ҳалима Одилова,**

Хоразм вилояти, Гурлан туманида-ги “Гурлан Элёр қурувчи ПБК” МЧЖ бош директори **Аминбой Нурметов,**

Тошкент шаҳар, Миробод тумани-даги “Yashash Kompleks Elbek” МЧЖ бошқарув компанияси бош директори **Эмин Аширваларни** таваллуд куни билан чин дилдан муборакбод этамиз.

УЛАРГА СИХАТ-САЛОМАТИК, УЗОҚ УМР, ОИЛАВИЙ ХОТИРЖАМЛИК, МУСТАҲКАМ СОҒЛИҚ ТИЛАЙМИЗ!



Ректорлар учрашуви бўлиб ўтди

Жорий йилнинг 24-27 апрель кунлари Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида Ўзбекистон Республикаси ҳамда Испания олий таълим муассасаларининг учрашувлари бўлиб ўтди.

Шу муносабат билан Ўзбекистон ва Испания олий таълим муассасалари ректорлари иштирокида халқаро ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш бора-сида таълим Форумининг асосий учрашу-

ларидан бири Мирзо Улуғбек номидаги Самарқанд давлат архитектура-қурилиш университетида бўлиб ўтди. Учрашувда Ўзбекистон Республикаси-нинг Самарқанд ва Жиззах шаҳарларида

жойлашган олий таълим муассасалари-нинг вакиллари иштирок этдилар. Унда томонлар ўртасида турли хил инновацион лойиҳаларни йўлга қўйиш, ҳамкорликда профессор-ўқитувчилар ҳамда талаба-

ларнинг тажрибасини ошириш, олий-гоҳлар ўртасида халқаро алоқаларни яна-да кенгайтириш, шунингдек, архитектура ва қурилиш таълим йўналишлари бўйича янги таълим йўналишларини жорий этиш каби масалалар муҳокама қилинди. Жараён давомида барча олийгоҳ ректорлари ўзлари фаолият олиб бораётган институт ва университетлар тўғрисида ба-

тафсил тақдимотлар қилишди. Унда Мир-зо Улуғбек номидаги Самарқанд давлат архитектура-қурилиш университети рек-тори Чидем Туркйилмаз университетнинг тарихи, фаолияти ва ҳозирги кунда олиб борилаётган ислохотлар ҳамда келажак-да амалга оширилиши мақсад қилинган стратегиялар билан таништирди.

Ўз мухбиримиз.

БСКЛАР ФАОЛИЯТИДАН

Аҳолига қулай хизмат турлари яратилияпти

Ҳилола ИСМАТОВА, "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Навоий шаҳридаги "NAVOI COMFORT CITY RBK" бошқарув сервис компанияси "Мурувват", "Умид" ва "Баҳор" МФЙ ҳудудларидаги 73 та кўп квартирали уйларга хизмат кўрсатади. Ўтган йилларда ширкат сифатида иш юритган жамият эндиликда янгича ёндашувлар асосида коммунал ва авария вазиятларини бартараф этиб, шаҳар ҳокимлиги билан тузилган шартнома асосида ҳудудни ободонлаштириш, 24 соат мобайнида фаолият юритадиган диспетчерлик ва авария хизматларини ташкил этган. Шунингдек, аҳоли учун яна 40 та тезкор хизмат турлари ҳам кўрсатилмоқда.



БСК ташкил этилганига яқинда бир йил тўлди. Шу вақт оралиғида анча-мунча кўзга қўринарли ишлар амалга оширилди. Жамият раҳбари Нодир Маҳаматовнинг таъкидлашича, фаолият турига қараб 60 нафар ишчи-ҳодимнинг доимий бандлиги таъминланди. Аҳоли хонадонларидаги ҳолат ўрганилиб, лозим бўлган чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Уйлар таъмирланиб, қувурлар алмаштирилди, ертўлалар тартибга келтирилди. Аҳоли мурожаатлари ўз вақтида тезкорлик билан ҳал этилмоқда. Хусусан, ўтган давр мобайнида масъулияти чекланган жамият томонидан шаҳарнинг Нурафшон, Ғалаба, Зарафшон ва И.Каримов кўчасидаги 28 та уйнинг фасад қисми 100 фоиз таъмирланди. Уйларнинг кириш йўла-ридаги 938 та фромуга ойналари замо-навий акфа ромларга алмаштирилди. Шунингдек, уйларнинг том қисмида жорий таъмирлаш ишлари олиб бори-либ, ертўлалардаги совуқ ва иссиқ сув темир қувурлари пластик қувурларга алмаштирилди. Кўп квартирали уйлар-нинг электр қисмлари таъмирланиб, кириш йўлакларига 240 та замонавий чироқлар ўрнатилди. И. Каримов ва

Зулфия номидаги кўчаларда жойлаш-увчи уйларнинг кириш йўлакларига ҳа-ракат датчикли ёриткичлар ўрнатилди. Бажарилган ишлар аҳолида БСКларга бўлган ишончни ошириб, маҳалла ва уй-бошилар ҳамкорлигида темир дафтарга тушган ҳамда кам таъминланганларга ёрдам кўрсатиш, хонадонларини таъ-мирлаб бериш каби юмушлар уюшқоқ-лик билан олиб борилмоқда. Ўзаро тушуниш, қўллаб-қувватлаш, ҳамкорлик бор жойда унум, барака бўлади. Шу боис, қўклам юмушлари бошланиб, биргаликда уюштирилган ҳашарлар орқали хонадонлар атрофи чиройли кўрунишга келтирилди. "Яшил макон" дастури асосида кўп қаватли уйлар атрофига меваги ва манзарали кўчатлар экилди, йўлакларга замонавий 267 та ўриндик ўрнатилди. "Мурувват" ва "Баҳор" МФЙ ҳудудида жойлашган болалар майдончалари жорий таъмир-дан чиқарилди. Бир сўз билан айтганда, "NAVOI COMFORT CITY RBK" БСК томонидан аҳолига қулай хизмат турлари яратила-нинг электр қисмлари таъмирланиб, кириш йўлакларига 240 та замонавий чироқлар ўрнатилди. И. Каримов ва

Ўзбекистонлик мутахассислар – Хитойда

Ҳамза ШУКУРОВ, "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Хитой бино-иншоотлар, кўприк қурилиши бўйича дунёда етакчи давлатлардан ҳисобланади. Бу мамлакат бинокорларининг изланишлари, муҳандис-мутахассисларининг янги ғоялари амалиётга татбиқ этилиб, замонавий технологиялар ишга туширилмоқда, мураккаб қурилмалар кўпаймоқда. Шу боис, уларнинг тажрибасини ўрганиш, фаолиятда қўллашга бўлган қизиқиш тобора кучайиб бораёпти.



биргаликда амалга ошириш учун мулоқот қилиш имкониятидан фойдаланиш ҳамда ўзаро манфаатли ҳамкорлик масалаларига эътибор қаратилди.

Бундан ташқари, ташриф давомида делегация аъзолари Гуанжоу шаҳрида анъанавий тарзда 133 марта ўтказилаётган "Кантон-2023" халқаро кўргазмасида ҳам иштирок этишди. Хитойнинг экспорт-импорт маҳсулотлари салоҳиятини намойиш қиладиган бу кўргазма анча йирик нуфузга эга бўлиб, хориж дав-латларидан 35 минг нафар кузатувчи қатнашганлиги эътиборга сазовор. Делегация бу ерда қурилиш ва бошқа соҳалардаги энг сўнгги янгиликлар, технологиялар, илмий ишланмалар ҳамда ускуналар билан танишиб, ҳамкорлик масалаларини муҳокама қилишди.

Ташриф давомида меҳмонлар Хитойдаги бошқа йирик кор-хоналарда ҳам бўлиб, бинокорлик материалларини ишлаб чиқариш жараёни билан танишдилар.

Ўзбекнинг иши "бошқача"

Адҳам ЭГАМБЕРДИЕВ, "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Ўзим ўқиган университет биносининг бир қисмида шарқона нақшинкорлик услубида ишланган устунлар бўларди. Бироз вақт ўтиб, улардан бири кулаб тушди. Ўшанда бутун маъмурият устунни таъмирлаш учун икки кун уста қидириб, зўрға топганди. Сабаби, бундай турдаги буюмларни таъмирлайдиган хунараманд-нақшинкорлар анқони уруғидай тақчил эди. Бугунга келиб, бу услуб ва бу хунар тобора йўқолиб бораётгандек, назаримда.

Дилимдаги саволларга жавоб то-пиш мақсадида Республика "Хунараманд" уюшмасига бордим. Дўконларни айла-нарганман, буюмларга нақш чизиб ўти-рган хунараманд усталарга кўзим тушди. Нақадар майда ва қийин иш! Қўлида мўйкалам тутган усталардан бирини суҳбатга тордим. – Бу касб машаққатли бўлгани учун хунараманддан катта сабр талаб қилади, – деди уста Ҳамид Мирсағатов. – Бунда ҳар бир ишга илҳом ва назокат билан ёндашиш керак. Шу боис, қўлимда дунё-нинг энг гўзал тасвирини чицаётгандай завқ билан ишлайман. Қарийб 25 йилдан бўён миниатюра ва нақшинкорлик санъ-ати билан шуғулланаман. Санъат аҳли учун энг муҳими, уни тушунишлари, ҳис қила олишларидир. Бир оғиз сўз билан ижодкорнинг кўнгли тоғдай кўтарилсади. Бу соҳада ишингни кўришсади, ўзингни танишмайди. Кўп шоғирдларим қурилиш йўналишига ишга ўтиб кетишди. Бир наққош, бири уймакор уста, яна бири умуман бошқа соҳасида. Нима ҳам дер-дим, тирикчилик. Ҳеч бўлмаса, бинолар пештоқига уларнинг меҳнатини кўриб, қувонаман.



Аслида ижтимоийлик ва бозор иқти-содиёти санъатни енгиб қўймаслиги ке-рак. Битта уста тайёрлаш учун 20 йиллаб вақт кетади. Табиийки, ҳозирги ёш авлод бундай машаққатли, сабр билан қили-надиган ишларни унчалик хоҳламайди. Кўпчилик йигит-қизлар осон ва даромад-ли касб қидириши ҳам бор гап. Бу фикрни Ҳамид ака ҳам тасдиқлаб, чуқур "ух" тор-тиб, шундай деди:

– Шоғирд бўлиш учун ёнимга кўп ёшлар келади. Ўзоғи билан бир ҳафтага бормай жуфтакни ростлашади. Кўпчи-лиги нозик ишларни жуда беэътибор ва сифатсиз бажаришади, аксариятининг диди етарли даражада шаклланмаган. Яқинда Туркияда ўтказилган кўргазмада ижод намуналаримиз билан қатнашдик. Кўпчилик хунараманд дўстларимиз ва чет эллик санъатсеварлар "Ўзбекнинг иши бошқача экан" деб эътироф этишди. Бу биз учун катта фахр. Ўз касбим билан юртимизни дунёга танитаётганимдан хурсанд бўламан. Аммо биздан кейин бу ишни ким давом эттиради? Ким бу санъ-атга, хунарга ворислик қилади? Шулар мени кўп ўйлантиради. Дарҳақиқат, минг йиллар олдин ота-боболаримиз томонидан барпо этил-ган қадимий обидаларда айнан шарқона нақшинкорлик, чизиклардаги нозиклик, девор ҳаттотлиги намуналарини учрата-миз. Уларнинг маҳоратига тан берамиз. Кошинлардаги сирлар, ранглар жиноси-га қоришган гўзаллик барчамизни мафтун қилади. Қувонарлиси, бугун юртимизда кўплаб барпо этилаётган бино-иншоот-ларда айнан миллий нақшларимизга хос услублар ҳам қўлланилмоқда. Демак, бу хунарга ҳамон эҳтиёж бор экан, уни да-вом эттиришимиз, ривожлантиришимиз керак. Фикримча, бизнинг бугунги вазифа-миз – ҳозирги моҳир усталарга муносиб издошлар тарбиялашдан иборат. Токи ўзбекнинг иши охиригача "бошқача" бўлсин. Аждодларимиз бизни ўз санъати ва меҳнати билан завқлантиргани каби кейинги авлодлар ҳам ишларимизни кўриб ҳаяжонга тўлсин, биз билан фахр-лансин!



IQTIMOY-IQTISODIY GAZETA
**O'ZBEKISTON
BUNYODKORI**
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Батир Закиров
(Тахрир ҳайъати раиси),
Шерзод Ҳидоятлов,
Давронжон Адиллов,
Жалол Арашов,
Козим Туляганов,
Юлдаш Мағрупов,
Жамшид Исмаилов,
Бобир Элмуродов,
Қудратбек Хошимбеков.

ТАҲРИРИЯТ:

Бош муҳаррир	Дилшод Жалолов
Бош муҳаррир ўринбосари	Райҳона Ҳўжаева
Саҳифаловчи	Акмал Маҳкамов
Мусахҳиҳ	Марҳамат Мусулмонкулова

Газета «Ўзбекистон бунёдкори»
Наشريёт уйи МЧЖ томонидан
нашрга тайёрланди.

**«ЎЗБЕКИСТОН БУНЁДКОРИ»
НАШРИЁТ УЙИ МЧЖ
МУАССИСЛАРИ:**

Ўзбекистон Республикаси
Қурилиш ва уй-жой коммунал
хўжалиги вазирлиги,
«Ўзсаноатқурилишматериаллари»
уюшмаси, «ЎзГАШКЛИТИ» ДУК,
«ЎзшаҳарсозликЛИТИ» ДУК,
«Қишлоқ қурилиш инвести» ИК МЧЖ,
«ЎзгеорангметЛИТИ» ДУК.

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:

100035, Тошкент шаҳри,
Низомбек йўли кўчаси, 1-уй.
Телефонлар:
71-234-47-18 (қабулхона),
71-234-47-19 (таҳририят),
71-234-47-20 (бухгалтерия),
71-208-12-00 (реклама ва обуна
бўлими).
E-mail: info@uzbunyodkor.uz

ҲУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАРНИНГ ТЕЛЕФОН РАҚАМЛАРИ:

**Қорақалпоғистон
Республикаси:** 90-658-50-43.
Андижон вилояти: 91-479-55-11.
Бухоро вилояти: 99-704-66-69.
Жиззах вилояти: 99-525-30-05.
Қашқадарё вилояти: 90-287-50-29.
Навоий вилояти: 99-731-17-40.
Наманган вилояти: 91-365-07-36.
Самарқанд вилояти: 95-560-30-45.
Сирдарё вилояти: 99-831-11-15.
Сурхондарё вилояти: 97-847-30-11.
Фарғона вилояти: 90-349-55-56.
Хоразм вилояти: 97-790-47-61.

Газета 2016 йил 25 июлда
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот
агентлигида 0874-рақам билан
рўйхатга олинган.
Нашр индекси – 466.
Буюртма – Г-437.
1749 нусхада босилди.
Қўғоз бичими А-2.
Ҳажми – 3 табоқ, офсет усулида
босилган. Баҳоси келишилган
нархда. ISSN 2181-8762.
Таҳририятга келган қўлёзмалар
тақриз қилинмайдиган ва муаллифга
қайтарилимайди.
Газета таҳририят компьютер
марказида терилди ва саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан
сифатли чоп этилишига
«Шарқ» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси масъул.

КОРХОНА МАНЗИЛИ:

Тошкент шаҳри,
«Буюк Турон» кўчаси, 41.

Навбатчи муҳаррир – Р. Ҳўжаева.

Навбатчи – А. Ҳақбердиев.

Ўза якуни –
Тошпирилди – 23.10.